

**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказиш
мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш,
сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга
ҳилоф равишда ўтказиш**

Гиёҳвандлик жиноятларига қарши кураш чора-тадбирлари тизимида жиноят-ҳуқуқий чоралар алоҳида ўрин тутadi. Мазкур жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси авваламбор, уларнинг дунё миқёсида кенг тарқалганлиги билан изоҳланади. Хусусан, 2015 йилги маълумотларга кўра, бир ойда ўртача 110 миллиондан ортиқ киши бир марта гиёҳванд моддаларни истеъмол қилар экан, дунёда расмий рўйхатдан ўтган наркоманларнинг сони 25 миллиондан ортар экан.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказишга қарши кураш зарурияти қуйидаги омиллар билан изоҳланади: ушбу жиноятлар инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун жиддий хавф солади (организмда чуқур салбий физиологик ўзгаришларга сабаб бўлиб, гиёҳванд моддасиз тура олмайдиган вазиятга олиб келади, хавфли юрак, ошқозон, жигар ўпка касалликларини келтириб чиқаради); бошқа жиноятчилик ва зўравонлик (ҳаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар, безорилик, уюшган жиноятчилик, мол-мулкни талон-торож қилиш) содир этилиши учун бош омил бўлиб хизмат қилиб, мамлакатдаги криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда (АҚШда гиёҳвандлар ўғирлик ва босқинчиликнинг тенг ярмини содир этар экан); фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончини сусайтиради; ушбу жиноятдан тушган маблағлар терроризм, диний экстремизм, қуролли тўқнашувларнинг молиявий таъминлаш

* Тошкент давлат юридик университети магистранти

мақсадида ишлатилиши туфайли миллий хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда; бу иллатга қарши курашиш учун давлат томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимига маблағ ажратилиши, шунингдек, гиёҳвандларни даволашга молия ажратилиши муносабати билан давлат бюджетига жиддий иқтисодий зарар етказилмоқда (масалан, АҚШ давлат департаменти маълумотларига кўра, гиёҳвандлик ҳар йили давлат хазинасига 600 миллиард доллар зиён келтиради); ушбу жиноятлар жамиятнинг маънавий негизларига салбий таъсир кўрсатиб, жиддий ижтимоий муамоларни (гиёҳвандларнинг катта қисмини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этаётгани, ёшлар онги ва ҳаётининг захарланиши, ногирон фарзандларнинг дунёга келиши, наслнинг ва миллат генофондининг бузилиши, оилавий ажралишларнинг ортиши, фоҳишабозлик ва ҳ.к.) келтириб чиқармоқда; гиёҳвандлик моддаларининг муомала ҳудуди кенгайиб, бугунги кунда энг жиддий трансмиллий хавф-хатарлардан бирига айланмоқда, шунингдек, тобора уюшганлик ва трансчегаравий хусусиятларини касб этиб бормоқда. Мазкур омиллар мажмуи ўз навбатида ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини янада оширади.

Мамлакатимизда ҳам ушбу жиноятларга қарши самарали курашиш мақсадида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб гиёҳвандликка қарши курашиш миллий стратегияси ишлаб чиқилди ва у муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича самарали тизим шакллантирилди – 1994 йилда Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси ва унинг ижроия органи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий-ахборот таҳлил маркази, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашиш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ташкил этилди; 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар айланиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тизими жорий этилди; Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида (*кейинги ўринларда – ЖК*) ушбу қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланди; ушбу масала бўйича бир қатор махсус халқаро шартнома ва конвенциялар, хусусан, БМТнинг Наркотик моддалар тўғрисидаги ягона конвенцияси, Психотроп моддалар тўғрисидаги, Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги, Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенциялари ратификация қилинди; Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази ишида фаол қатнашиб келмоқда; Тошкентда БМТ наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда; наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига қараганда, юртимизда жами рўйхатдан ўтган наркожиноятлар сони 2012 йилда 8155 тани, 2013 йилда 7680 тани, 2014 йилда 6698 тани ҳамда 2015 йилда 6648 тани ташкил этмоқда – яъни, узлуксиз камайиш тенденциясини кўрсатмоқда. Шунингдек, охириги 10 йил мобайнида (2005-2015 йилларда) ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан 92 мингга яқин наркожиноятлар аниқланган ва 32 тонна миқдорида наркотик моддалар мусодара қилинган¹.

Шундай бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “гиёҳвандлик воситалари савдоси катта бойлик орттириш имкониятига эга бўлиб, унинг иштирокчилари халқаро ҳуқуқ нормалари билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази расмий веб-сайти: www.ncdc.uz

ҳам, миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, “оқ ажал”нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга тайёрдирлар”². Ушбу ҳолатлар гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир қилинган жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини янада оширишни талаб қилади. ЖК 273-моддасида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлсада, ушбу жиноятларнинг наркожиноятлар тизимидаги сони ошиб бормоқда, гиёҳвандлик воситаларини кўп ва жуда кўп миқдорда ўтказиш ҳолатлари кўпайиб, тобора халқаро тус олмақда. Хусусан, 2014 йилда жами 6698 (2013 йилда 7680) та наркожиноят аниқланган бўлса, мазкур жиноятлардан 3062 (3772) таси наркотик воситаларини ўтказиш билан боғлиқлиги, ушбу жиноятлар тизимида мазкур жиноят энг хавфли даражада эканлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, вилоятлар кесимида таҳлил қилинганда, асосий наркотик воситаларини ўтказиш жинояти Сурхондарё (2014 йилда 74,8 кг. опий, 12 кг. героин мусодара қилинган) ва Самарқанд (2014 йилда 87,5 кг. опий, 5,7 кг. героин мусодара қилинган) вилоятларида содир этилаётганлиги аниқланди. Бу эса, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир қилинган жиноятларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласи учун асосий эътибор жавобгарликни оширишга қаратилган бўлиб, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш, жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш масаласи четда қолган. Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида жиноят содир қилган шахсларнинг қилмишини тўғри квалификация қилиш, жазони индивидуаллаштиришда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 92.